



ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИ ВА УЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ

Пардаев Жамшид Музаффарович

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси.
Тошкент, Ўзбекистон. PJM.@gmail.com*

ORCID: 0009-0001-1202-2448

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i39

Аннотация

Хизмат категориясининг вужудга келиши, иқтисодий тизимда аҳолининг турли хил иқтисодий манфаатларининг пайдо бўлиши хизматлар соҳасининг алоҳида катта тизим сифатида фаолият кўрсатишини тақозо этади. Бундай иқтисодий тизимнинг фаолияти эса, уни амалга оширувчи корхоналарнинг вужудга келишини таъминлайди. Бу турдаги корхоналар эса, хизматларнинг хусусиятларига мувофиқ тарзда ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд бўлади. Бу каби корхоналар бошқа турдаги корхоналар сингари фаолияти фойда олишга қаратилган бўлиб, уларнинг фаолияти белгиланган тартибда солиққа тортилади. Хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортиш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мазкур мақолада ушбу ҳолатлар ёритиб берилади.

Калит сўзлар: Хизмат, хизматлар соҳаси, корхона, ташкилот, тизим, давлат, молиявий қўллаб-қувватлаш, солиқ, солиққа тортиш, имтиёз, преференция, фаолият, соҳа, тармоқ, тизим, ахборот, солиқ сиёсати, такомиллаштириш, аҳолига хизмат кўрсатиш.

ВОПРОСЫ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ СФЕРЫ УСЛУГ

Пардаев Джамшид Музаффарович

Независимый исследователь Ташкентского государственного экономического университета. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

Появление категории услуг, возникновение различных экономических интересов населения в экономической системе требует, чтобы сфера услуг функционировала как особо важная система. Функционирование такой экономической системы обеспечивает создание предприятий, ее реализующих. Эти типы предприятий имеют свои особенности в зависимости от характеристик услуг. Такие предприятия, как и другие виды предприятий, ориентированы на получение прибыли, и их деятельность облагается налогом в установленном порядке. Процесс налогообложения предприятий сферы услуг имеет свои особенности, и в данной статье будут освещены именно эти случаи.

Ключевые слова: Услуга, сфера обслуживания, предприятие, организация, система, государство, финансовое обеспечение, налог, налогообложение, льгота, преференция, деятельность, отрасль, сеть, система, информация, налоговая политика, благоустройство, государственная служба.

ISSUES OF TAXATION OF SERVICE ENTERPRISES

Pardaev Jamshid Muzaffarovich

Independent researcher at Tashkent State University of Economics. Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

The emergence of the category of services, the emergence of various economic interests of the population in the economic system requires that the service sector function as a particularly important system. The functioning of such an economic system ensures the creation of enterprises that implement it. These types of enterprises have their own characteristics depending on the characteristics of the services. Such enterprises, like other types of enterprises, are profit-oriented, and their activities are taxed in the prescribed manner. The process of taxation of enterprises in the service sector has its own characteristics, and in this article these cases will be highlighted.

Key words: Service, service sector, enterprise, organization, system, state, financial security, tax, taxation, benefit, preference, activity, industry, network, system, information, tax policy, improvement, public service.

Кириш (Introduction)

Хизмат кўрсатиш тушунчаси ва тизимининг моҳиятини очиб бериш, унинг бошқа тармоқлардан ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш, бу турдаги корхоналарда иқтисодий фаолиятнинг жиҳатларини, шунингдек, бу турдаги фаолият кўрсатувчиларнинг корхона сифатидаги иқтисодиётдаги ролини аниқлаб бериш, хизмат кўрсатиш корхоналарининг миллий иқтисодиётдаги аҳамиятини ҳамда уларни солиққа тортишнинг илмий асосларини ёритиб бериш илмий-назарий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур мақолада хизмат кўрсатиш соҳаси, ушбу фаолият билан шуғулланувчи корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, уларни солиқ-молия тизими орқали қўллаб-қувватлашнинг айрим йўналишлари ҳамда солиққа тортишнинг назарий асосларини ёритиб бериш ўз моҳиятига эга деб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Хизмат кўрсатиш соҳаси, ушбу фаолият билан шуғулланувчи корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, уларни солиқ-молия тизими орқали қўллаб-қувватлашнинг айрим йўналишлари ҳамда солиққа тортишнинг назарий масалалари илмий-тадқиқотларнинг объекти сифатида кенг ўрганилиб келинмоқда. Жумладан, Ф.Котлер, Т. Хилла, М.Кательс, Н.А. Баринов, И.Кулишер Г.Линькова, С.Егорова, Д.Малолетко, А.Дышлевский, шунингдек, маҳаллий олимлардан И.Тухлиев, И.Очилов, Ғ.Мустафоев, Б.Исмаиловларнинг илмий тадқиқот ишларида хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва уларни солиққа тортишнинг айрим масалалари ўз аксини топган.

Жумладан, Хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортиш борасидаги илмий тадқиқотларни олиб борган Г.Линькова хизмат кўрсатиш корхоналар фаолиятини рағбатлантиришда солиқ имтиёзларини қўллаш механизмларини таҳлил қилган, бу турдаги корхоналар фаолиятини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашнинг замонавий шаклларини таснифлаб берган, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш шакли сифатида инвестицион солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб берган, хизмат кўрсатиш корхоналаридан мулк солиғини ундиришда инвестиция жараёнларини рағбатлантиришнинг иқтисодий

моделини асослаб берган, хизмат кўрсатиш корхоналарида солиқ мажбуриятларини бажариши ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қарши курашишнинг молиявий усулларини кўрсатиб берган [1].

Е.Тютюнникова ҳам корхоналарни солиққа тортиш муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганиб, унда хизмат кўрсатиш корхоналарига оид илмий қарашларини ҳам келтириб ўтади. У ўзининг номзодлик диссертацион тадқиқотида корхонанинг солиқ сиёсатини мустақил иқтисодий категория сифатида ажратиб кўрсатишга имкон берувчи солиқ сиёсатининг мазмуни ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш орқали корхоналар фаолиятини, жумладан хизмат кўрсатишга ихтисослашган корхоналарга давлатнинг тартибловчилик ва рағбатлантирувчилик солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш масалаларини кўриб чиққан ва бу йўналишда илмий-услубий тавсиялар ишлаб чиққан [2].

Хизмат кўрсатиш корхоналарига оид илмий тадқиқотлардан яна бири С.Егорова томонидан бу каби корхоналарда маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил билан биргаликда солиққа тортиш масалаларини тадқиқига қаратилган илмий тадқиқотдир. Тадқиқотчи ўзининг докторлик диссертацион тадқиқотида хизмат кўрсатиш соҳасида маиший хизмат кўрсатишнинг ўрни ва ролини аниқлаш ҳамда маиший хизмат кўрсатишга хос бўлган ташкилий-иқтисодий муносабатларнинг хусусиятларини аниқлаган, хизмат кўрсатиш соҳасидаги иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни бошқариш механизмининг моҳиятини ойдинлаштирган ва унинг фундаментал хусусиятлари ва моҳиятини аниқлаган, маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тенденцияларини ўрганган, давлат хизматлари кўрсатувчи корхоналарни ахборотлаштиришнинг меъёрий, услубий ва амалий даражасини таҳлил қилиб, уларнинг бошқарув жиҳатини баҳолаб берган, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва амалга оширишда солиқ тўловларини тўғри ҳисобга олиш ҳамда уни янада такомиллаштириш йўналишларини кўрсатиб берган [3].

Малолетко Дмитрий Николаевич томонидан умумий овқатланиш корхоналарининг солиққа тортишга бағишланган илмий тадқиқотлар ҳам катта илмий аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқотчи илмий тадқиқот доирасида “Солиқ тўлови мониторинги” тушунчасини таърифлаган, умумий овқатланиш корхоналарининг турар жой объектларидаги фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилган, умумий овқатланиш корхоналари томонидан тўланадиган солиқ тушумларини улушли мониторинг қилишнинг асосий кўрсаткичларини умумлаштириган уни тўлдирган ва расмийлаштириш ва тизимлаштириш йўлларини кўрсатиб берган, бу йўналишдаги муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ илмий тавсияларни берган [4].

Хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортишда меҳмонхона хўжалигини солиққа тортиш муаммолари ва унинг ечимларига қаратилган илмий тадқиқотлар бу йўналишда катта аҳамиятга эга деб ҳисобланади. Бу йўналишда ҳам бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бунда А.Дышлевскийнинг тадқиқотларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу тадқиқотчи Россия мисолида меҳмонхона тузилмаларини самарали солиқ тизимини қўллаш орқали бу турдаги корхоналарни фаолиятини тартиблаш йўлларини кўрсатиб берган. Шунингдек, меҳмонхона хўжалигини солиқ жиҳатдан тартибга солишни ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан [5].

Бироқ, таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон солиқ тизимида хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортиш билан боғлиқ айрим илмий тадқиқотлар амалга оширилган бўлсада, уларда асосан кичик бизнес соҳасини солиққа тортиш нуқтаи назаридан ёндошилган холос. Хизмат кўрсатиш корхоналарини алоҳида илмий тадқиқот доирасида кўриб чиқилган тадқиқот ишлари жуда кам. Мазкур мақолада эса, хизмат кўрсатиш корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва уларни солиққа тортишнинг услубий асослари кўриб чиқилади.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Хизмат кўрсатиш корхоналарининг моҳияти ва уларни солиққа тортиш масалаларига оид тадқиқотларда илмий тадқиқотларнинг кенг қўлланиладиган умумий ва индивидуал усулларидан фойдаланилади. Бунда диалектик, синтез ва анализ, абстракция, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, мантиқий ёндошув, дедукция каби усуллардан фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Хизмат кўрсатиш корхоналарини солиққа тортишда бу турдаги корхоналарнинг хусусиятларини англаш учун ҳам хизмат кўрсатиш тушунчасининг моҳиятини аниқлашимиз лозим бўлади. Айрим манбаларга кўра, “хизматлар соҳаси бу — корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хил хизматлар, ишлаб чиқаришни ўз ичига олган умумлаштирилган тоифадир”¹.

1-жадвал

Хизмат категориясига илмий-назарий ёндошувлар²

Ф.Котлер	“Хизмат – бу бир томон бошқасига таклиф қилиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятдир	Котлер, Ф., Маркетинг менеджмент. Экс пресс-курс. 2-е изд. / Пер. с англ. под ред. Божук С. Г. СПб.: Питер, 2006.- 464 с.
Ф.Котлер	Хизматлар деганда йирик хилма-хилликдаги фаолият турлари ва тижорат машғулотларини таърифлаб, улар «бир тараф иккинчи тарафга таклиф қилиши мумкин ва асосан уларни ҳис қилиб бўлмайди ҳамда бирор-бир нарсага эгалик қилишга олиб келмайди. Хизматларни кўрсатиш моддий кўринишдаги товар билан боғлиқ бўлиши мумкин ёки аксинча боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин	Котлер Ф. Основы маркетинга. - М.: Прогресс,1993. - С.63 8.
И.С.Тухлиев	Хизматлар - бу кўзга кўринмас товарнинг ўзига хос туридир	Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Е., Амриддинова Р.С. Туризм асослари: Ўқув қўлланма – С.: СамИСИ, 2010 - 247 б.
Т. Хилла	Хизмат –қандайдир иқтисодий бирликка тегишли бўлган шахс ёки товар ҳолатининг бошқа иқтисодий бирлик томонидан олдиндан биринчи бирликнинг розилиги билан содир этиладиган фаолияти натижасидаги ўзгаришидир.	Сфера услуг: новая концепция развития/В.М. Рутгайзер, Т.И. Корягина, Т.И. Арбузов и др. - М.: Экономика, 1990. - С. 148.


¹ Stat.uz. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Статистик кўрсаткичларга қисқа методологик тушунтиришлар. Тошкент-2022.

² Илмий-ўқув адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

И.Очилов	Хизмат дейилганда, инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади.	Очилов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг тавсифи. // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Т.: “Iqtisodiyot-moliya”, 2008 йил.
Ғ.Мустафоев	Хизмат - бу маълум томон тарафидан йўналтирилган ўз қийматига эга бўлган номоддий кўринишдаги ҳаракат ёки, меҳнат маҳсули тушунилади.	Мустафоев Ғолиб Султонмуродович. Хизмат кўрсатиш ва рақамли хизматлар: ривожланиш босқичлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамияти. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil. 188 бет.
Н.А. Баринов	Хизмат – бу маҳсулотнинг (нарсанинг) фойдали ҳаракати ёки инсоннинг ўзига хос, оқилона эҳтиёжларини қондириш учун фаолият шаклида намоён бўладиган, фойдаланиш қийматларини яратадиган меҳнат натижалари бўйича пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир	Баринов Н. А. Указ. Соч. - С. 17.
М.Кательс	Хизматлар категорияси тарихан турли хил ижтимоий тузилмалар ва ишлаб чиқариш тизимларидан шаклланиб келаётган фаолият.	Кательс М. Информационная эпоха: Экономика, общество и культура: Пер. с англ. Под. ред. О.И. Шкаратана – М.: ГУВШЭ, 2000.
Исмаилов Бахыт Абдиреймович	Хизмат – уни бажарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги бевосита ўзаро алоқаларнинг натижаси бўлиб, истеъмолчининг талабини қондириш бўйича бажарувчининг фойдали фаолиятида юзага келадиган иқтисодий муносабатдир.	Исмаилов Б.А. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва тамойиллари иқтисод ва молия / экономика и финансы 2021, 8(144)

1-жадвалда келтирилган иқтисодчи олимларнинг илмий қарашларига эътибор берадиган бўлсак, хизмат категориясига турлича, масалан, уни бажарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги бевосита ўзаро алоқаларнинг натижаси (Б.Исмаилов), бу маҳсулотнинг (нарсанинг) фойдали ҳаракати ёки инсоннинг ўзига хос, оқилона эҳтиёжларини қондириш учун фаолият шаклида намоён бўладиган, фойдаланиш қийматларини яратадиган меҳнат натижалари бўйича пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар (Н.Баринов), бу маълум томон тарафидан йўналтирилган ўз қийматига эга бўлган номоддий кўринишдаги ҳаракат ёки, меҳнат маҳсули (Ғ.Мустафоев), бу кўзга кўринмас товарнинг ўзига хос туридир (И.Тухлиев) каби ёндошувларни кўришимиз мумкин. Фикримизча, хизмат категорияси ва у билан боғлиқ иқтисодий фаолият ҳисобланган хизматлар соҳасининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини ёритиш аса ўз навбатида бундай корхоналарни солиққа тортишда назарий аҳамиятга эга

бўлади. Буни кенгроқ ёритиш мақсадида қўйидаги келтирилаётган расмдан фойдаланамиз.



1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий асослари.³

1-расмда келтириб ўтганимиздек, хизмат кўрсатиш корхоналарининг вужудга келишининг асослари сифатида аввало иқтисодий тизимнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тизим шаклида мавжуд бўлишида намоён бўлади. Ишлаб чиқариш соҳасидаги товарлар ишлаб чиқарилишнинг иқтисодий-технологик хусусиятлари ва бу тизимнинг бир маромда кетиши учун маълум бир қўшимча фаолиятга эҳтиёж туғиладики, бундай эҳтиёжларни ишлаб чиқариш ва кўрсатиш моҳияти жиҳатдан хизмат тушунчаси билан изоҳланади. Бундан ташқари ишлаб чиқарилган товарларни истеъмол қилишнинг хусусияти эса, ишлаб чиқарилган товарларни ўнинг истеъмолчиларига етказишда оралиқ бўғинни талаб қиладики, бу жараён эса хизматлар соҳасини ёки уни амалга оширишни корхоналарга бўлган эҳтиёжни тақозо этади. Товар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиб бориши, ўнинг диверсификациялашуви, товарларни истеъмол этишда маълум бир қўшимча хизматларни талаб этиши ҳам хизмат кўрсатиш корхоналарининг юзага келишига муҳим омил сифатида юзага чиқади. Бундан ташқари иқтисодий тизимда айрим товарларни ишлаб чиқаришнинг ўзига хослиги маълум бир хизматларга бўлган талабни шакллантиради (масалан, тоғ-кон саноати, кимё саноати, фармокология саноати ва шу кабилар).

2-расмда келтириб ўтилганидек, хизмат кўрсатиш корхоналарининг ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу турдаги корхоналарнинг муҳим хусусиятлари сифатида *биринчидан*, уларнинг иқтисодий-молиявий жиҳатдан бозор талабларига тез мослашувчанлигидир, яъни, агар ихтисослашган фаолият йўналишида рақобат кучайиб кетган ҳолатда хизмат кўрсатишнинг яқинроқ, (ўринбосар хизмат) хизмат турига мослашиши нисбатан тез амалга ошади. Масалан, меҳмонхона хизматидаги талабнинг камайиши оқибатида овқатланиш хизматига мослашиши тез ва кам харажатлар билан амал ошиши мумкин, бу эса хизмат соҳасининг тез мослашувчанлигини кўрсатадики, товар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга нисбатан ушбу хусусиятлари билан афзалликка эгадир.



2-расм. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг ўзига хос хусусиятлари⁴

Иккинчидан, унинг мослашувчанлиги бу турдаги корхоналарнинг бошқа бир муҳим хусусияти-нисбатан риск даражасининг камлигини ҳам кўрсатади, бу каби корхоналарни ташкил қилишда унга тикилган молиявий сармояларни қайтиши ва самарадорлик кўрсаткичларини келтиришида риск бошқа йирик корхоналарга нисбатан камроқ бўлади, бу эса хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларнинг оқимининг ортишига ва бу турдаги корхоналарнинг ошишига муҳим омил бўлади.

Учинчидан, хизмат кўрсатиш корхоналари йирик ишлаб чиқариш субъектлари томонидан иқтисодий жиҳатдан номақбул бўлган фаолиятни амалга ошириш қулайлиги яъни, иқтисодий тизимда оралиқ операцияларни бажаришга мослашганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.


Тўртинчидан, товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини истеъмолчиларга етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Чунки, товар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналар томонидан ўз товарларини истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш ҳамма вақт ҳам самарали бўлмайди, бунда эса хизмат кўрсатиш корхоналари катта роль ўйнайдигани, бу товар ишлаб чиқарувчи учун ҳам истеъмолчилар учун ҳам қулай ҳисобланади.

Бешинчидан, хизмат кўрсатиш корхоналари аҳолининг социал-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга мослашган бўлади, бу эса аҳолининг турмуш тарзини яхшиланишида катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Олтинчидан, аҳолини бандлигини таъминлашда катта аҳамиятга эгалиги, асосан кичик бизнес шаклда мавжуд бўлиши ҳамда молиявий ресурсларнинг тез айланишлиги каби хусусиятларга эгалиги бундай корхоналарнинг бозор муносабатларини ташкил этиш ва унинг ривожланиб боришида ўзига хос аҳамиятлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси “Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи”га (ИФУТ 2-таҳрир) кўра, республикада хизматлар соҳаси маълум бир белгиларига кўра таснифланган. Ушбу таснифлагичга асосланган ҳолда хизмат

кўрсатиш корхоналарининг иқтисодий аҳамияти жиҳатидан гуруҳлаштирамиз. Буни эса, қуйида келтирилган 3-расмда келтириб ўтамыз.



3-расм. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг турлари⁵

Бугунги кунда хизматлар кўрсатишга ихтисослашган корхоналарнинг фаолият турига ихтисослашувига кўра, юқорида келтирилган хизмат кўрсатиш корхоналардан ташқари, яна бир қатор уларнинг турлари борки, улар жумласига, олий, ўрта махсус, касб-хунар, умумтаълим, мактабгача таълим давлат муассасаларида тижорат асосида таълим олишни, шунингдек, радио ва телевидение, интернет-каналлар ва почта алоқаларини қўшган ҳолда ҳар қандай даражадаги хусусий таълим олиш ва хоҳлаган касбга ўқишни ихтисослашган таълим соҳасидаги хизматлар кўрсатишга ихтисослашган корхоналар, стационар шифохона муассасалари, поликлиникалар, стоматология муассасалари ва тиббий лабораториялар томонидан пуллик асосида кўрсатилган комплекс хизматларни кўрсатадиган соғлиқни сақлаш

соҳасидаги хизматлар кўрсатадиган корхоналар, шартномада назарда тутилган талабларга мувофиқ лойиҳалар, изланишлар, конструкторлик ва технологик ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар, шунингдек, қурилиш ишлари устидан назорат ва бошқа инженерлик хизматлар кўрсатадиган меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар кўрсатишга ихтисослашган корхоналарни ҳам келтириш мумкин.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Мазкур мақола доирасида амалга оширган назарий таҳлилларга асосланиб хулоса қилишимиз мумкинки, **биринчидан**, хизматлар соҳаси технологиялари ва тармоқ тузилмасининг мураккаблашиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва хилма-хиллигини яхшилаш, шунингдек, юқори технологияли ва интенсив хизмат кўрсатиш тармоқларининг жадал ривожланиши корхона, ташкилот ва хўжаликларнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигини янада оширишга, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Иккинчидан, иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажмида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги бозор нархлари бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акцизсиз ҳисобланган тўловлар ҳисобга олинади. Хизматлар олди-сотди объекти сифатида чиққанда ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган (хизматларни ишлаб чиқарувчининг сарф-харажатларини тўлалигича ёки сезиларли даражада қоплайдиган) нархларда сотилганда, бозор учун кўрсатилган бозор хизматлари ҳисобланади.

Учинчидан, кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми бу – хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва хизмат кўрсатиш асосий фаолият тури ҳисобланадиган барча хизматлар ишлаб чиқарувчилари (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан кўрсатилган бозор хизматлари қийматидир.

Тўртинчидан, хизматлар соҳаси товар ишлаб чиқариш соҳасидан ўз ички ва ташқи хусусиятлари ва уларнинг истеъмол этилиши нуқтаи назаридан анчайин фарқланади. Чунки, хизматлар моддий шаклдаги товарларни ишлаб чиқариш жараёнидаги айрим нозик оралиқ босқичларда намоён бўлиб, ишлаб чиқаришнинг бир маромда кетишига ўзига хос функцияни бажарса, бошқа томондан унинг қийматларини аниқлаш ҳам ўзига хос бўлади.

Бешинчидан, бу турдаги корхоналар иқтисодий-молиявий жиҳатдан бозор талабларига тез мослашувчан бўлади, агар ихтисослашган фаолият йўналишида рақобат кучайиб кетган ҳолатда хизмат кўрсатишнинг яқинроқ, (ўринбосар хизмат) хизмат турига мослашиши нисбатан тез амалга ошади, хизмат кўрсатиш корхоналари йирик ишлаб чиқариш субъектлари томонидан иқтисодий жиҳатдан номақбул бўлган фаолиятни амалга ошириш қулайлиги яъни, иқтисодий тизимда оралиқ операцияларни бажаришга мослашганлиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Олтинчидан, хизмат кўрсатиш корхоналари товар ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини истеъмолчиларга етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Чунки, товар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналар томонидан ўз товарларини истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш ҳамма вақт ҳам самарали бўлмайди, бунда эса хизмат кўрсатиш корхоналари катта роль ўйнайдими, бу товар ишлаб чиқарувчи учун ҳам истеъмолчилар учун ҳам қулай ҳисобланади.

Еттинчидан, хизмат кўрсатиш корхоналари аҳолининг социал-иқтисодий эҳтиёжларини қондиришга мослашган бўлади, бу эса аҳолининг турмуш тарзини яхшиланишида катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Саккизинчидан, аҳолини бандлигини таъминлашда катта аҳамиятга эгаллиги, асосан кичик бизнес шаклда мавжуд бўлиши ҳамда молиявий ресурсларнинг тез айланишлиги каби хусусиятларга эгаллиги бундай корхоналарнинг бозор муносабатларини ташкил этиш ва унинг ривожланиб боришида ўзига хос аҳамиятлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Линькова Галина Георгиевна. Активизация предпринимательской деятельности. В сфере услуг методами налогового стимулирования. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург. 2018.г.

2. Егорова Стэлла Курбановна. Информационное обеспечение управления в сфере бытового обслуживания. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва 2000 г.

3. Малолетко Дмитрий Николаевич. Мониторинг налогового вклада предприятий общественного питания коллективных средств размещения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва 2013 г.

4. Дышлевский Алексей Сергеевич. Налогообложение предприятий гостиничного типа. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва 2007 г.

5. Котлер, Ф., Маркетинг менеджмент. Экс пресс-курс. 2-е изд. / Пер. с англ. под ред. Божук С. Г. СПб.: Питер, 2006.

6. Сфера услуг: новая концепция развития/В.М. Рутгайзер, Т.И. Корягина, Т.И. Арбузов и др. - М.: Экономика, 1990.

7. Кулишер И.М. Очерки финансовой науки, 1919, с. 147.

8. Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Е., Амриддинова Р.С. Туризм асослари: Ўқув қўлланма – С.: СамИСИ, 2010.

9. Очилов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг тавсифи. // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Т.: “Iqtisodiyot-moliya”, 2008 йил.

10. Мустафоев Ғолиб Султонмуродович. Хизмат кўрсатиш ва рақамли хизматлар: ривожланиш босқичлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий аҳамияти. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil.; Исмаилов Б.А. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва тамойиллари иқтисод ва молия / экономика и финансы 2021.